

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сарвар МАМБЕТОВ
олган сурат.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган “Минор” жомеъ масжиди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

"Икки ҳафта узлуксиз урушдик. Тинка мадоримиз қуриган. Дийдамиз қотиб кетган. Орзу-умидлар сароб, кўнгил ёзиб ҳасратлашмаймиз ҳам. Энг ёмони йиғламай қўйдик.

Кечаси бир йиғит қўйди айтиди. Тилини тушунмайдим. Бироқ ноласи таниш. У узоқ ҳиргойи қилди ва қўйилмаганда йиғлаб юборди. Кейин ҳаммамиз унга қўйилиб йиғладик.

Ўша оқшом бир-биримизни қучоқлаб табриклаган эдик. Билмадим, нима учун".

Собиқ жангчининг эсдаликларидан.

Кўхна китобларда ёзилишича, қадимда икки томон урушса оналар бошидаги рўмолини ерга ташларкан. Шунда рақиблар сулҳ тузиб, низола-га чек қўйишаркан. Ўзани кўрсатиш аёллар учун ор саналган. Эҳтиом, онанинг рўмолини-да ташлашга маж-бур қилган вазиятни бир-бирига душман тарафлар ту-шунгандир. Бироқ XX асрда рўй берган урушда оналар рўмолини ташламади ё урушни бошлаганлар она-сини танимас, онасини бил-мас...

Сурхон воқасининг шимолий томо-нида Сангардак қишлоғи бор. Шу қишлоқдан ҳам юз нафардан ортик йиғит урушга кет-ган. Қайтиб кел-ганлари ўн икки нафар. Улардан биттаси ҳозир ҳаёт, тўқсон уч ёшда. Байрам кун-лари уйига борар-дик. Урушда кўр-ган-кечирганлари-ни гапириб бери-шарди. Уларнинг жасоратидан завк-ланиб, "уруш-уруш" ўйнардик.

Яқинда қишло-ғимиздан қанча йи-гит урушга кетга-нини аниқламоқчи бўлдим. Афсуски, имкони бўлмади. Ҳужжатлар топилмади. Йўқлиб кет-ганимиз.

Дилғир, парившон бўлиб қолдим. Шартли равишда уларни юз йиғит, деб ўйладим. Юз — бўз йиғит, дедим. Улар қандай йиғитлар эди? Улар-ни кўрганлар борми?

Баҳор такрор келади. Баҳор бетак-рор келади. Осмонни тўлдириб қал-дирғоч турналар учди, олис-олис учди. Булутларга елкадош бўлиб бур-гутлар учди.

Ерни ёриб бойчечаклар чиқади. Қир-адирларда алвон-алвон қизгал-доклар очилади. Қапалаклар момоқай-моқларга қўниб-қўниб учди. Тол шо-хиди қушлар гужурлашади, сирлаша-ди. Тилла кўнгиллар ялпизларга қўниб тириклик тотини тотди.

Шамоллар эсади. Тоғдан боққа, богдан адирларга қараб эрка ша-моллар эсавиради. Дов-дарахтлар-ни тебратиб, уйларга гулларни сочи-б эсавиради. Терак барглари бўса берган ўн етти ёшли қиздай титрайди.

Чўққиди қорлар жилғага айланиб оқавиради. Ариқларни, зовурларни, ирмоқларни тўлдириб оқади. Боғлар энди тили чиққан бола сингари барг ёзади, куртак очади, мева тугади... дарахтларнинг деворлардан ошиб ўтган шохларидиғи мевалар йўллар-га тўкилади. Йўллар эса...

Йўллар қадамларни елкалаган ул-кан қарвондир.

...Улар мана шу йўллардан юриб кетишган. Ватан учун, болаларнинг — бизларнинг бахтимиз учун жангга кетишган. Уйланмаган йиғитлар, бўз йиғитлар. Менинг тоғларим душман йўлига гов солган. Улар жанг қилди-

лар, қайтмадилар...

Кетгани икки юзта из... Қайтган из — йигирма тўртта. Айтишларича, қорилмаган сўмоқ-лар беркилиб қоларкан. Айниқса, тоғ томонларда. Дейдиларки, йўллар чан-ғиб тургани яхши, қанча кўп одам юрса йўл янгиланармиш.

МЕНИНГ ТОҒЛАРИМ

Йўллар эса жим. Йўлларнинг тили

бинга шўнғиб оқтошларингни топиш-ган, кумларингга беланиб ётишган. Қўлларингдан ушлаб боғларга, чаман-ларга, гулзорларга олиб кетишган-ку. Бир эслаб кўр, улар се-нинг қошинга келганида нима ҳақида гаплашарди? Уларнинг орзулари

қанақа эди? Менга шулар-ни айтиб бер... Дарёлар — менинг кўлим-дан тутиб боғларга етаклаб кетади.

Ҳаёт аввал қандай бўлса ҳозир ҳам ўша маромда — гоҳ шиддат билан, гоҳи со-кин ўтиб бормоқда. Тириклик ҳикма-ти, ҳаётга муҳаббат

хар бир инсонни ўз тақдир кўчалари-га олиб кирмоқда. Шундай кунларда хотиралар кишини хавотирга солади. Улар қандай йиғит-лар эдилар? Агар шу уруш бўлмаган-нида улар ҳам фар-зандли, набирали бўлишарди. Қайси бирининг набира-си менинг энг яқин дўстим бўларди, эҳтиом. Балки полвон бўлиб донг таратармиди? Ё ча-вандоз бўлиб ша-молдай елармиди? Туғилмаган орзу-лар, туғилмаган ни-

ятлар, туғилмаган эзгуликлар...

Мен эса саволимга жавоб излаб толмайман...

Сангардак кираверишда, тоғнинг чўққисига яқин жойда олча дарахти бор. Унга минг тусли латта-лутта илинган. Олисдан қаралса ажиб ман-зара касб этади. Яқинроқ богранда, дарахтнинг айрим шохлари қуриган, синган — хастахил.

Одамлар шу дарахт олдида ўтганда юзларига фотиҳа тортади-лар, тиловат қиладилар. Айтишлар-ича, улуг бир инсоннинг қабри шу ерда экан. Бироқ, менимча, бу ерда минглаб орзу, минглаб умиди мити-жолар, соғинчлару армонлар кўним топган. Мана, бу қизил рўмол пар-часи жангчининг онасидандир. Бу эса — ўғил боланинг тўнининг эта-гидан йиртиб олинган. Мана, бу да-стрўмолча кўнгли хушлаган йиғитни соғинган ўн саккиз-ўн тўққиз яшар қизники. Ҳаёлимда бари тик-ланади. Барчаси. Ҳа, улар эрта ё кеч, кундуз ёки қоронғуда йиғитла-римиз қайтишса кўрсин, билсин, биз сизни соғиндик, сизсиз қийналган-нимизни билсин, деганлар.

Она боласини унутити мумкинми? Ота зурриёдини соғинмайдими?

Ватан — фарзандларини, айниқса матонатли ўғлонларини унутмайди. Улар қахрамонлар эди. Неч қишлоғи мўҳим эмас, буюк жасорат кўрса-тиб энди руҳлари тоғлар чўққисидан озод ва обод дийёрга тикилиб турган азаматлар улар.

Сизни унутмаймиз...

Ҳеч қачон!!!

Май ойида Сангардак тоғлариди

бургутлар баланд-баланд учди. Да-рёлар тўлғониб оқади. Осмон кўз ёш тўкиб йиғлайди. Боғлари маҳзун-маҳзун тебрангандай бўлади. Олча дарахтнинг эса қуриган шохлари узоқ чайқалади. Шамоллар эпчил қиздай гоҳ унисига, гоҳ бунисига югуради. Улар — ўн саккиз-ўн тўққиз ёшли йиғитларни, болаларини, кўзининг қорасини шундай хотир-лайдилар. Тоғлар қайтмаган бургут-ларини соғиниб мунғайиб туради. Уларни юпатиб бўлармиди?

Бобоми, момоми, ёши катта ки-шими оғир бетоб бўлиб ёки бошқа сабабданми қийналиб жон берса, уни танимасак ҳам қазосини эшитганда баданимизда чумоли ўрмалагандай бўлади. Ўлим — барибир дахшат. Пичирлаб дуо-лар ўқиймиз, марҳумга Яратгандан марҳамат сўраймиз, юзимизга фо-тиҳа тортамыз. Лекин йигирмага ки-риб-кирмай, бир қизнинг сочин сил-лаб-силамай, севиб-севилмай, ўғил бўлиб онасига битта рўмол, отасига махси-калиш олиб беролмай, ака бўлиб укага тиркач, ука бўлиб акага қувват бўлмай, опа-сингилларнинг тўйини кўролмай, айни йигирма, йи-гирма беш ёшли йиғитлар ўлиб кет-са, бундан ортик дахшат борми? Ким уларга дуо ўқийди? Яратгандан мар-ҳамат сўрайди? Ким? Қишлоқда кел-лин қиламан деб, бир қанча қизлар-ни кўз остига олиб, келиб қолса тўй қиламан, мана бу томонда аёллар, бу ёқда эркаклар ўтиради, дея ор-зуланиб юрган она, ўғлининг ўққа учганини, танк остида қолганини, мина билан қўшилиб портлаб кетга-нини қаердан билсин? Бу йил дала-да иш кўпайди, болам тезроқ кела қолсайди, деб йўл қараган ота бо-ласини энди ҳеч қачон қайтмасли-гини билармиди? Қиз боши билан от миниб, этик кийиб, адирда буг-дой ўрган опа-сингил жигарининг қайси бир жанг майдонида қолиб кетганини туш кўрибдими?

Биз — ўша бемаҳал завола топанг авлоднинг бахтиёр фарзандларимиз. Болам мендан бахтли бўлсин, деган ҳайқирларнинг акс-садоларимиз. Бугунги тинч замон, тўкин-сочинлик учун уларни ҳар кун, ҳар лаҳза қадр-лаб, қок номларни қалбимизда сақ-лаш, қахрамонликлари олдида бош эгиш барчамизнинг бурчимиз, қарзи-миздир...

Биз уларнинг орзулари, мақсадла-ри, ушалмаган армонларимиз.

Урушдан қайтганимда қишлоғи-миз хувиллаб қолганди. Тенгдошлар-имнинг бари юртдан олисда, қон кечиб юрарди. Мен битта оёғимни душман тупроғига ташлаб юртимга қайтиб келдим. Далада кетмон чоп-дим. Тарик қўриқладим. Аравада бугдой ташидим. Бир кун раис ёнига чақириб:

— Сенга бошқа иш бор. Далама дала юришни йиғитиш — деди.

Почталён бўлиб ишлаб юрдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай аёллар мени кўрса гижиниб юзини беркита-диган бўлишди...

Почтачи эсдаликларидан.

У ўлгандан кейин сандиқдан юз-дан ортик мактуб чиқди.

Уларнинг ҳаммаси "қора хат"лар экан...

Улар омонсиз урушдан она юрти-га, юксак тоғларига қайтиб кела ол-маган қишлоғимиз бургутлари ҳақидаги сўнги хатлар эди.

Ўша бургутларнинг руҳлари Ос-монтолош чўққилари узра абадий кезиб юрибди. Менинг ёвқур бур-гутларим!..

Санжар ТУРСУНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат му-кофотлари кенгаши қарорига мувофиқ 2015 йилда бе-рилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлариға тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2016 йилнинг 25 январига қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиға тақдим этиладиган ишларға қўйиладиган талаблар билан тани-шиш ва зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғ-лиқ масалалар бўйича қўйидаги манзилға мурожаат қилиш мумкин:

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ДАВЛАТ МУКОФОТИ БЎЙИЧА:

100047, Тошкент шаҳри,

Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона.

Тел.: (0-371) 233-59-46;

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БЎЙИЧА:

100129, Тошкент шаҳри,

Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона.

Тел.: (0-371) 239-49-57, 244-13-90.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-ридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жа-мийатининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

Қуёш забтига олган айни кун-

ларда беихтиёр ҳаёлингизга жан-

натмақон юртимизнинг соя-сал-

қин масканлари келади. Тошкент

вилоятида Бўстон-

лик, Фарғонада

Олтириқ, Самарқ-

андда Ургут, Сур-

хондарёда Сангар-

дак, Жиззахда Зомин... рўйхатни

истаганча давом эттириш мум-

кин. Бу гўшаларда ҳар доим

одамлар гавжум. Боиси улар на-

фақат сўлим, балки шифобахш

хавоси, суви, тупроғи, нозу

неъмат ила барчамизни ўзига

чорлаб туради.

Наманган вилоятининг Чортоқ

туманидаги машҳур "Чортоқ" са-

наториясини яхши биласиз. Бу

масканнинг очилиш тарихи

ўзига хос. Манбаларда келтири-

лишича, 1946-1947 йилларда

геологлар нефть қидирув ишла-

ри олиб бораётганида 1,5-2

минг метр чуқурликдан ҳарора-ти

40-60 даража иссиқликдаги

уч қатламли сув манбаини

аниқлаганлар. Ўша йили ташкил

этилган илмий экспедиция то-

монидан Чортоқ сувининг хоси-

яти Чехословакиядаги Карлови

Вари курорти сувидан кам

эмаслиги тасдиқланган ва ниҳо-

ят, 1949 йилда "Чортоқ" мине-

рал сув билан даволаш шифо-

хонаси очилган. Ўтган асрнинг

ўрталарида ер юзасига чиққан

шифобахш сув ҳозирга қадар

фавворайда отилиб турибди.

Йиллар давомида мамлаката-

миздаги йирик санаториялар-

дан бирига айланган "Чортоқ"

ташкил топгандан буён унда

дам олганлар сони миллиондан

оша керак. Айни вақтда 500

дан ортик юрдошларимиз да-

волианимоқда. Шуниси аҳама-

ятлики, "Кексаларни эъзолаш

йили" муносабати билан сийҳат-

гоҳнинг 1-бини ёши ёшлар-

имизга мослаштирилиб, зарур

шароитлар яратилибди. Жумла-

ти 40-60 даража иссиқликдаги

уч қатламли сув манбаини

аниқлаганлар. Ўша йили ташкил

этилган илмий экспедиция то-

монидан Чортоқ сувининг хоси-

яти Чехословакиядаги Карлови

кат-этибор қаратилмоқда.

Май ойида Сангардак тоғларида

бургутлар баланд-баланд учди.

Дарёлар тўлғониб оқади.

Осмон кўз ёш тўкиб йиғлайди.

Боғлари маҳзун-маҳзун тебрангандай бўлади.

Олча дарахтнинг эса қуриган шохлари узоқ чайқалади.

Шамоллар эпчил қиздай гоҳ унисига, гоҳ бунисига югуради.

Улар — ўн саккиз-ўн тўққиз ёшли йиғитларни, болаларини, кўзининг қорасини шундай хотирлайдилар.

Тоғлар қайтмаган бургутларини соғиниб мунғайиб туради.

Уларни юпатиб бўлармиди?

Бобоми, момоми, ёши катта кишими оғир бетоб бўлиб ёки бошқа сабабданми қийналиб жон берса, уни танимасак ҳам қазосини эшитганда баданимизда чумоли ўрмалагандай бўлади.

Ўлим — барибир дахшат. Пичирлаб дуолар ўқиймиз, марҳумга Яратгандан марҳамат сўраймиз, юзимизга фотиҳа тортамыз.

Лекин йигирмага кириб-кирмай, бир қизнинг сочин силлаб-силамай, севиб-севилмай, ўғил бўлиб онасига битта рўмол, отасига махси-калиш олиб беролмай, ака бўлиб укага тиркач, ука бўлиб акага қувват бўлмай, опа-сингилларнинг тўйини кўролмай, айни йигирма, йигирма беш ёшли йиғитлар ўлиб кетса, бундан ортик дахшат борми?

Ким уларга дуо ўқийди? Яратгандан марҳамат сўрайди? Ким? Қишлоқда келлин қиламан деб, бир қанча қизларни кўз остига олиб, келиб қолса тўй қиламан, мана бу томонда аёллар, бу ёқда эркаклар ўтиради, дея орзуланиб юрган она, ўғлининг ўққа учганини, танк остида қолганини, мина билан қўшилиб портлаб кетганини қаердан билсин?

Бу йил далада иш кўпайди, болам тезроқ кела қолсайди, деб йўл қараган ота боласини энди ҳеч қачон қайтмаслигини билармиди? Қиз боши билан от миниб, этик кийиб, адирда бугдой ўрган опа-сингил жигарининг қайси бир жанг майдонида қолиб кетганини туш кўрибдими?

Биз — ўша бемаҳал завола топанг авлоднинг бахтиёр фарзандларимиз. Болам мендан бахтли бўлсин, деган ҳайқирларнинг акс-садоларимиз. Бугунги тинч замон, тўкин-сочинлик учун уларни ҳар кун, ҳар лаҳза қадрлаб, қок номларни қалбимизда сақлаш, қахрамонликлари олдида бош эгиш барчамизнинг бурчимиз, қарзимиздир...

Биз уларнинг орзулари, мақсадлари, ушалмаган армонларимиз.

Урушдан қайтганимда қишлоғимиз хувиллаб қолганди. Тенгдошларимнинг бари юртдан олисда, қон кечиб юрарди. Мен битта оёғимни душман тупроғига ташлаб юртимга қайтиб келдим. Далада кетмон чопдим. Тарик қўриқладим. Аравада бугдой ташидим. Бир кун раис ёнига чақириб:

— Сенга бошқа иш бор. Далама дала юришни йиғитиш — деди.

Почталён бўлиб ишлаб юрдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай аёллар мени кўрса гижиниб юзини беркитадиган бўлишди...

Почтачи эсдаликларидан.

У ўлгандан кейин сандиқдан юздан ортик мактуб чиқди.

Уларнинг ҳаммаси "қора хат"лар экан...

Улар омонсиз урушдан она юртига, юксак тоғларига қайтиб кела олмаган қишлоғимиз бургутлари ҳақидаги сўнги хатлар эди.

Ўша бургутларнинг руҳлари Осмонтолош чўққилари узра абадий кезиб юрибди. Менинг ёвқур бургутларим!..

Санжар ТУРСУНОВ

НУРЛИ ИЗ


Адабиётимиз боғи турли-туман мевали дарахтларга ҳамиша сероб бўлган. Бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам файзиёбдир.

Бу боғда Хусниддин Шарипов ниҳоли илк бора 1956 йили мева берди. Китобининг номи ҳам боққа ярашиғли — "Ниҳол" эди.

Устозлар ўша пайтдаёқ бу ҳали кўп улуг дарахт бўлар, тотли мевалар берар, деб соҳибини алқаган эдилар. Шундай бўлди ҳам.

Ниҳол эгасининг касби ҳам шунга мос — ўрмон мелиорация инже-нери эмасми, ўз дарахтини қандай вояга етказиш, мевага кириштиш, турли-туман ҳашаротлардан авайлаб-асрашни яхши биларди-да. Йиллар ўтиб бу ниҳолнинг бора-бора қулоқ етмас дарахтга айланганини биз — Хусниддин Шарипов тенгдошлари ўз кўзимиз билан кўришга муяссар бўлдик, мевасини тот

ҲАБИБИЙ



БЎСТОНЛАРИМ БОР

Гул-гул очилган бўстонларим бор,
Ширин, ғазалхон хушхонларим бор.

Шарбатта тўлган сермева боғлар,
Олтин учун кон майдонларим бор.

Қудратли халқим ҳар ишга тайёр,
Оқил, миришкор деҳқонларим бор.

Олтин теришгай қизлар, жувонлар,
Атлас ярашган жононларим бор.

Исмоил МАҲМУД

БАТАН МАҲТҲ САОДАТДИР

БАҒИШЛОВ

Отанг юртдир, онанг юртдир,
бу юртсиз ҳеч ватан бўлмас,
Ватан ишқдир, бил эй кўнгил,
бу юртсиз ҳеч юрак тўлмас.

Ватан дўстдир, ватан ёрдир,
бу олам ичра гулзордир,
Ватансиз кўкда Шамс қулмас,
Ватансиз кўкда Ой қулмас.

Ватан дил ичра райхондир,
ватан осмону уммондир,
Теран ҳис этмаса сиррин
ки қадрин ҳеч киши билмас.

Ватан иймон, ватан имкон,
ватансиз тан эрур бежон,
Ватан қудрат, ватан нусрат
эрур, ҳеч ерда енгилмас.

Ватан меҳру муҳаббатдир,
ватан мангу саодатдир,
Агар билсанг, шафоатдир,
ватансиз дилга бахт келмас.

Шаҳидлар ҳокидан ўсган
ватан гулдир, ифори чин,
Ватансиз гулга қуш қўнамас,
ватансиз гул, биллинг, гулмас.

Ватан Ёрнинг тажаллийси,
ки ҳақлар ичра ҳақлиси,
Шараф ичра шарафлиси,
шарафсиз қалбга ишқ елмас.

Ватан боғдур, ватан тоғдур,
ватан борки кўнгил чоғдур,
Ватан бошингдаги тождир,
ки дилда меҳри ҳеч ўлмас.

Ватан ичра сен эй, Маҳмуд,
бу бахтинг Ўзбекистондир,
Бошингда бахт кўешиким,
чарақлар то абад сўлмас.

— Буни қара-я, қиз бола тез
улғаяди десалар, ишонмасдим.
Мана, Нигорагина ҳам куёвга
лойик бўлибди, уйига совчилар
келибди, — деб она бир коса
овқатни кўтарганча сўрига яқин-
лашди.

Юрагида “қўшни уйга келган-
лар совчи эмас, шундоқ, меҳ-
монлар бўлса-чи” деган умид
учқунлашиб турган йигит адои
тамом бўлди. У “кимнинг совчи-
лари экан” дейишдан ўзини
зўрға тийиб турар экан, ўғлининг
юрагида бўрон тураётганини
сезган онаизор изоҳ берди:

— Қўшни кишлоқлик оғбор
мудир Бобокўл ака бор-ку, ўша
ёлғиз ўғлига сўраттирибди.

Ўғил “миқ” эмади.

Она ўғлининг қўшни қизга
кўнгли борлигидан хабардор,
ўзи ҳам Нигорани “бўлғуси ке-
линим” дея юрарди. Шу боис
муроаомуз сўз қотди: “Бир
қизга юз киши харидор бўлади,
фақат биттаси олади, болам...”
Лекин йигитнинг қулоғига энди
гап кирмас, “бевафо”ни тезроқ

холи учратиш, унга аччиқ-аччиқ
гаплар айтмоқчи, “узиб-узиб”
олмоқчи эди.

Ниҳоят, вақт ҳам алламаҳал
бўлиб, қўшни уйга келган со-
вчилар ортларига қайтишди.
Улар қандай хабар билан қайт-
ганини йигит билмас-да,
ўзини қўйрага жой тополмасди.
Бу қандай бедодлик, ахир,
яхши кўрган қизга бошқа йи-
гитдан совчи келса?!

У дарвоза ва ўзлари учун
ғаройиб қўналга бўлмиш ўша
қари тут орасида бўзчининг
моксидай қатнар, кўзлари ҳеч
нимани кўрмасди. Кекса тут-
нинг гадир-будур танасига пе-
шонасини босди, яна хаёллар-
га эрк берар экан, беҳосдан
ариқ томондан аллақандай шар-
пани илғади. Сўнгра енгил
қадам товушлари эшитилди.

Йигитнинг юраги ҳаприкиб,
бўғзига тикилгудек дуқиллай
бошлади. Уни йўклаган шарпа
Нигора бўлиб қикди. У чакқон,
енгил ҳаракатлар билан ўзини
тут панасига олди. Қизнинг юра-

ги ҳам қаттиқ-қаттиқ урар, зўр
ҳаяжондан нафас олишлари
худди эшитилаётгандай эди.

Кун бўйи холи учратишга ин-

Жўра ФОЗИЛ

БИР КЕЧА

тилиб, хийла жиғибийрон бўлган
йигит аразлаб, тут танасига су-
янганича жим тураверди.

Ниҳоят, Нигоранинг ўзи тил-
га кирди:

— Ҳа, нима бунча, мум тиш-
лагандай овозингиз чиқмайди?
— деди зардали товушда қиз.

— Сенга нима ҳам дердим?
Совчиларнинг ортидан ўзинг
ҳам куёв тўраникига жўнаб қол-
дингми, деб ўйлабман-да... —
кесатди Акмал.

— Ҳа-а, алам қилдим, бат-
тар бўлинг! Нима, кетсам арзи-
мабдими? Ёлғизгина, бойвачча
ўғил бўлса, — қиз йигит юраги-

да гуриллаб ёнаётган оловга
мой сепди гўё.

— Билиб қўй, эртага ўша бой-
ваччанинг таъзирини бермасам,
отимни бошқа қўяман! — ошқ
атрофга олазarak бўлиб, кетиш-

га чоғланди.

Лекин қиз тушмагур сира бўш
келмас, йигитнинг жиғига те-
гишда давом этарди.

— Қўйинг, ажагон, чиройлик-
кина исмингиз бор, — ўзгари-
риб юрманг! Ўзингиз ҳам қўшни
кишлоқ қизларини кўрсангиз,
дарҳол гап отасиз-ку!

— Ҳеч-да, тўхмат қилма! Совчи-
ларни кўриб-кўрмай, тумшугин-
га хода етмай қолибди-ку!

— Ажаб бўпти! Алам қилсин!

— Ваъда бермаган эмишлар,
— норози тўнғиллади йигит.

Бўлмаса, нега ҳар оқшом бу
ерга келасан?

— Кўпам талтаъверманг, мен,
шундоқ, ўзим, бироз чақчақ-
лашгани келаман.

— Ке, қўй Нигорагон, мени
кўп хафа қилма. Отанг совчилар-
га нима деб жавоб бердилар?

Киз курғур ҳамон паст туш-
гиси келмас, терс жавоб
қилди:

— Отам совчиларга нима де-
ганларини, мард бўлсангиз,
ўзларидан сўранг!

Шафоат РАҲМАТУЛЛО

ЎМРИМ ЖОҲЛАРИ

(Туюқ машқи)

ОНА СУТИ

Туғилгандан тирик томоқ “ем” дейди,
Йиган қўксин тутиб эна “эм” дейди.
Она сuti — беш йил эмган боланинг
Юз йил бедард яшашига эм дейди.

ШОГИРД

Бошладингми, охирига ет ишда,
Гап мақсаднинг маррасига етишда.
Беназир бўл, ҳеч бўлмаса, етиш-да,
Сўнг самарини майда чайнаб е тишда.

ҲАР КЕЧ — ЧАМАН

Кун ботиб бўлгач зулмат ҳар кеча ман,
Бепоеъ фалак муҳитин кечаман.
Қаҳқашон — боғ, юлдузлар — ҳар кеч чаман,
Тун ором, қуялдуз ғамидан кечаман.

ХУНАР

Хунар — минг соз: ё бир, ё қирқин чал, ма!
Қирқини чал, аммо қирб созини чалма!
Хунарманд бир хунар-ла мингта татир —
Хунари ҳақдан ажр, уни чалма!

НИЯТ

Бетин: “илм ўрган, ол, ма”дан ният —
Онг ости қондан топар маъдан — ният.
Ўзликдан зарра-зарра олтин топиб,
Тиклар ганж қасримиз бу — маданият.

ҚАРОР

Бўшаштириб юборибман тутумни,
Эшитмайди на “киш”имни, “ту-тум”ни.
Бу товуқни агар бутун емасам,
У мен емай еб биттирар тутумни!

ОНА

Энг улуғлардан улуғ инсонлар инсони она,
Ою қундан ҳам мунаввар ҳусни нуруний она.

Меҳрибонлар меҳрибони, яхшиларнинг яхшиси,
Меҳру шафқат оламининг юксак осмони она.

Гарчи номидир аёлу қудратидир бемисол,
Тарбият мулкин забардаст марди майдони она.

Қалби дарё, олиҳиммат, ҳар саҳийдан ҳам саҳий,
Яъни ғамхўрлик диёрин тоза виждони она.

Бағри боғ саҳнию, фарзанд сунбулу райҳону гул,
Бу ҳаёт дунёсининг энг катта боғбони она.

Арзимас бир жон уни минг жон фидоси бўлса ҳам,
Салқан фарзандларин ҳар лаҳза қурбони она.

Онадек фарзанди қадрига етар оламда ким?
Ҳар қадрдондан қадрлорроқ қадрдони она.

Яхши фарзанд онасин айлар ризо, айлар ризо,
Давлати ҳам, бахти ҳам, дармони ҳам жони она.

Онажон деб сайрағай қушлар чаманда, Чустийё,
Сайраган булбул дилимининг шеър дустони она.

АҚЛИ РАСО БЎЛСИН

Севишган ҳар йигит-қиз, аввало, ақли расо бўлсин,
Куёв бирлан келинчақда вафо бўлсин, ҳаё бўлсин.

Севишмоқ яхши, севсин, ўйласин, кулсин муродича,
Ва лекин бу севишда ота ҳам она ризо бўлсин.

ЧУСТИЙ



Куёш бўлса муҳаббат осмонида йигит ҳусни,
Садоқат осмонида келинчақ маҳлиқо бўлсин.

Йигитнинг қалби қизнинг қалбига дорилшифо бўлса,
Йигитнинг қалбига қиз қалбига доим даво бўлсин.


Икков ҳам тил учиди ошноликдан ҳазар айлаб,
Ҳақиқий бўлсин ишқию самимий ошно бўлсин.

Алишерлар, Улуғбеклар туғилсин, ибни Синолар,
Туғилсин Нодира, Зухро, бири Зебунисо бўлсин.

Бўлиб иқболу омад, бахт толе ёру хизматкор,
Юзи ёруғ, сўзи ўткир ҳамиша дилрабо бўлсин.

Бу истаклар учун меҳнат, матонат бўлғуси раҳбар,
Амал қилган йигит қизларга эл жони фидо бўлсин.

Бўлиб пири бадавлат айласин тўй устига тўйлар,
Келиб табрикламоққа Чустидек шоир ого бўлсин.



МАНГУЛИК

Тенгсиз ифори, таъм ҳар гиёҳ, алқори,
Тирик ҳайкал қатдаги ҳар алқори.
Шу Тангри тоғ деган гўзал мангулик —
Бизга Ҳақдан дуо, Ватан алқори.

ВИДО

Осмонимда битта ўзинг айлан, Ой,
Ойрухсор, юлдуз қўзингдан айланы.
Менинг Ёр достонимни тинглар эсанг,
Ҳокимдан унган ғаровни айла най.

ПОЛВОНЛАР

Ширбоз босиб, осиб тандир, товани,
Қизир бизнинг полвонларнинг товони,
Бир-бирини қурга чорлар ҳайқириб:
“Ким йиқилса битта тандир товони”.

МУҚАДДАС БИР ОИЛА

Балоғат фасли қўйгач ўзга бино,
Кўш қалба бир ишқ боғи бўлғай бино.
У боғда ёшлар қўрмин қаср номи —
“Муқаддас бир оила” деган бино.

Ш.РАҲМАТУЛЛАЕВ 1942 йилда туғилган.

“Оху”, “Жануб шамол”, “Умид остонаси”,
“Гулоб”, “Мусиқа алифбоси”, “Озод сўз”,
“Қўринмай гуладим” сингари шеърини ва
илмий-назарий тўпламлари чоп этилган.

ХИКОЯ

йигитнинг йўлини тўсди.
— Тўхтанг, ҳой, жинни! Қаёққа
кетасиз?!

— Қаёққа бўларди? Ухлагани
кетяпман. Алламаҳал
бўлиб қолди, сен ҳам
уйингта бор. Унаштирил-
ган қиз аллақимлар би-

лан хилватда юриши яхши эмас.

— Мен... Мен ҳазиллашган
эдим. Кечиринг! — қиз изил-
лаб йўлгаб юборди. — Ҳеч
қанақа тўй бўлмайди! Отам
қизим ҳали ёш, ўқиши керак,
дедилар! Илтимос, мени ке-
чиринг!

Кетишга чоғланган йигит тур-
ган ерида тик қотди. У қулоқла-
рига ишонгани келмасди.

— Тўғриси айт, Нигор!
Мени бекордан бекорга умид-
вор қилма, сени яхши кўраман,
ахир!

— Тўғриси шундай, — қиз
энди хўнграб йўлгаб юборди.

Саратоннинг ойсиз туни то-
бора қуюқлашар, “хик-хик” йиғ-
лаётган қизни юпатаётган йи-
гитнинг кўнгли ёришди...

Ушбу қўшиқ ҳозирда "МУ 5" телеканали ҳамда турли радио каналлар томонидан тингловчиларга "тақдим" этилмоқда.

МАНГУ ИБОДАТ

Расул Ҳамзатов сабоқлари

Одам тилга кириши учун икки йил кифоя, лекин тилини тийиб туришни ўрганиши учун олти йил керак бўлади.

Агар сандан кимлигини сўрашса, барча маълумотларинг ёзилган паспортинг кўрсатиши мумкин.

Улуғлар ҳаётидан

Агар халқдан кимлигини сўрашса, у шундай ҳужжат ўрнига ўзининг олимни, шоирини, рассомини, бастакорини, сиёсий арбобини, саркардасини кўрсатади.

Мени тақдир қайси жойларга олиб бормасин, туғилган юртимнинг, тоғларнинг, отини эгарлашга ўргатган овулнинг вакили эканимни унутмайман ва ўзимни ўша жойларда Доғистоннинг махсус муҳбири сифатида сезаман.

Сара фикрларинг уюр қил, ундаги отлар чопқирликда бири-бирини қўлишмасин. Кейин бу уюрни оппоқ қоғоз яйловига эркин қўйиб юбор. Майли, фикрларинг оппоқ қоғоз узра яйраб учсинлар, худди бир нарсдан хурқатган отлар ёки тоғ талалари каби.

Ён дафтарчадан: Кисловодск. Хонада икки кишимиз. Мен ва ўзбек. Бизга деразадан тонг ва шом пайтида Эльбруснинг икки чўққиси яққол кўзга ташланади.

Мен бу икки чўққини сочи олинган ва жангларда бошидан яраланиб, жароҳатини доқа билан боғлаб олган Шомилнинг кўркмас икки мурдига ўхшатдим.

Шу вақтда хонадошим чўққига қараб туриб, менга сўз қотди:

— Бу икки ўрқачли чўққи менга Бухородаги оппоқ соч-соқолли нуронийни эсимга солди. Гўё у қўлида бир лаган ош кўтариб келаётди, тонгда водий гузаллигини кўриб хайратланиб қотиб қолган.

Ҳар ҳолда, уйдаги ўчоққа ўт ёқиш учун қўшнидан гугурт сўраб туриш мумкин. Лекин юракка олов ёқиш учун дўстларингга гугурт сўрагани бориб бўлмайди.

Шундай мавзу борки, уни такрорлаганинг сайин ибодатдай имонингни бут қилади, кўнглиниг ўстиради, маънавиятингни бойитади.

Бу мавзу — ибодат, бу мавзу — Ватан!

Истеъдод — олов. Аммо олов аҳмоқ қўлида бўлса, ён-атрофдагиларга ҳавф солади. Ақлгина истеъдодни эзгуликка йўналтиради. Худди тажрибали чавандоз асов тулпорни эгарлагандай, ақл гузаллигини янада гузаллаштира олади.

Шоир халқ номидан гапирди, дейиш расм бўлган. Маълум бўлишича, муҳаррирлар ҳам халқ номидан гапирар экан.

Кумуш АБДУСАЛОМОВА тайёрлади

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ



Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Барҳаёт Борхес

Лотин Америкасининг барча адаблари ўзлари-га сўзсиз равишда устоз ҳисоблаган аргентиналик машҳур носир, шоир ва публицист Хорхе Луис Борхес (1899-1986) таваллудига 116 йил тўлди. У Буэнос-Айресда туғилган бўлса-да, ота томонидан испан ва ирланд қавмларига мансуб, онаси эса португалиялик бўлган. Борхес тўрт ёшида ўқиш ва ёзишни ўрганиб, етти ёшида илк ҳикоясини ёзган, ўн ёшида эса, Оскар Уайлдининг машҳур "Бахтли шаҳзода" эртагини таржима қилган.

1914 йили Борхеслар оиласи Европага таътилга келади, бироқ Жаҳон уруши бошлангани боис тўрт йил Женевада яшаб қолишади. Борхес коллежда ўқиб, француз тилини ўрганади ва шеърлар ёзади. Бир муддат Испанияда ҳам яшаб ватанига қайтишга муюссар бўлади. Борхес асарларида йирик фалсафий муаммоларни саргузашт ёки детектив воқеалар орқали кўтариб чиқади. Ўтган аср 20-йилларида Лотин Америкасининг испан тилидаги шеърларида авангардизм асосчиларидан бири сифатида ном қозонади.

Адиб кутубхоначи бўлиб ишлаган 1937-1946 йилларда дастлабки машҳур асарлари ёзилади. 1950-1953 йилларда Аргентина Ёзувчилар уюшмаси раиси, 1955-1973 йилларда Аргентина Миллий кутубхонаси директори сифатида фаолият олиб боради. Унинг "Алеф", "Ҳийла-найранг", "Икки нафрат", "Уйдирма", "Ўлим ва ўлчагич" каби асарлари кўплаб жаҳон тилларига ўгирилиб, улар асосида бадий филмлар ишланган. Борхес ўтган аср 60-йилларидан бошлаб Аргентина ва бошқа ўнлаб мамлакатларнинг нуфузли адабий мукофотлари билан тақдирланган. 1970 йили номзоди Нобел мукофотига кўрсатилган. Адибнинг кўпгина ҳикоялари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Мигель Астуриаснинг орзуси

Борхес билан бир йилда туғилиб, улкан шон-шухрат қозongan адаблардан яна бири гватемалалик ёзувчи ва дипломат Мигель Анхель Астуриас Розалес (1899-1974) бўлиб, у 1967 йили Лотин Америкаси ҳиндуларнинг урф-одат ва аънаёларига меҳр-муҳаббат руҳида яратган ёрқин бадий образлари учун Нобел мукофоти билан тақдирланган. Онаси ҳинду қабиласига мансуб бўлгани учун ҳам адиб ёшлигидан халқ оғзаки ижоди аънаёлари билан мукамал танишган. Шу сабабли ўз асарларида замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларни реалистик услубда тасвирлашда ҳиндуларнинг Майя қабиласи фольклори ва мифологиясидан моҳирона фойдаланган.

1923 йили Сан-Карлос университетини битириб, ҳуқуқшуно дипломати эга бўлган, Лондонга келиб, сиёсий иқтисод бўйича билимини оширади. Майя ҳиндулари динига доир илмий маърузалар тинглайди. Сўнгра Лотин Америкаси мамлакатларининг бир қанча йирик газеталари муҳбири сифатида бутун Европани, Миср ва Яқин Шарқни кезиб чиқади. 1946 йилдан дипломатия соҳасида фаолият олиб боради. 1967 йили Гватемаланинг Франциядаги элчиси вазифасига тайинланади. Ўғли Родриго Астуриас эса, ўтган аср саксониничи йилларида Гаспар Ил тахаллуси билан Гватемала миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган. Мигель Анхель Астуриаснинг "Гватемала афсоналари", "Жаноб президент", "Зоғора тусли одамлар", "Яшил ота", "Дурагайга ўхшаган дурагай", "Арафадаги жума" романлари, "Довул" трилогияси, "Тўрғай садолари" шеърлар тўплами ва бошқа асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган. "Довул" трилогияси Америка империализмининг Марказий Америка мамлакатларида кенг ёйиётган ҳукмронлиги манзараларини тўлақонли кўрсатиб бериши билан аҳамиятлидир. Асарнинг яқини рамзий моҳият касб этган: ҳиндулар сеҳргари Чама томонидан қаққилган тўфон трилогиянинг сўнгги романида тасвир этилган майда ер эгаларини ютиб юбораётган йирик банан компанияси плантациялари кулини кўкка совуради. Адиб бу билан адолатсиз тузум ҳалокатини башорат қилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва "Ўзбек-музей" жамғармаси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоиловага отаси

Ҳамид ЗИЁЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Театр ижодкорлари уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Руфот ая КУЧЛИКОВанинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЗАВҚЛИ УЧРАШУВ

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан узоқ йиллардан буён ижод майдонида ўз маҳорати ва истеъдодини намойиш қилиб келаётган фидойи санъаткорлар иштирокида маданий кечалар ташкил этиш аънаъга айланмоқда. Шундай тадбирлардан бири Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам бўлиб ўтди. "Эъзоз билан кўнгли яшарар" мавзусида ташкил этилган кечада Ўзбек миллий академик драма театрининг катта авлод ижодкорлари би-

лан учрашув ўтказилди. Унда Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Турғун Азизов, Малика Иброҳимова, Дилбар Икромов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова каби таниқли театр ва кино ижодкорлари иштирок этди. Муҳлислар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш баробарида

Истироҳат боғларида

актёрлар ижросида машҳур спектакллардан парчалар, монологлар тинглашди. Тадбир доирасида истироҳат боғи қошидаги "Улуғбек юлдузлари" ансамбли ҳамда "Дурдона" фольклор-этнографик жамоаси ижодкорлари иштирокида концерт дастури ҳам намойиш этилди.

Ирода ИСЛОМОВА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди уюшма буюртмаси асосида "Адолат йўли" номли бадий очерклар ва публицистик мақолалар тўпламини нашр этиш бўйича босмаҳоналар ўртасида танлов эълон қилади. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ҳафта.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

Китоб бичими 84x108/1/32, муқова-рангли каттиқ муқова, форзац рангли, матн ранги — оқ-қора, матн қоғози — офсет қоғозда, бичимдаги ҳажми — шартли 13 босма тобок, Адади 5000 дона, китобда рангли расмлар ишлатилади.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ШАРТ:

1. Босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома) нусхаси;
2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома;
3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари;
4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда);

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16 А уй;

Телефонлар: 239-27-84, 239-27-88;

Факс: 245-66-95, 245-87-12;

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Юртимиз фуқаролари ҳамда давлат мулкни асраб-авайлаш, турли тажовузулар ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, олов — "тилсиз ёв"нинг вайронкор кучи ҳалигача тўла жиловланган эмас. Ёнғинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, саломатлигидан айрилади, ҳаётдан бевақф кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийта ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги

хизмати ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги, лоқайдликлари сабабли уй-жойлар ва турли муассасалар ўт ичида қолаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб бермоқдалар.

Айниқса ёш болаларни қаровсиз қолдириш аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қ.НАСРИТДИНОВ,

Ёнғин хавфсизлиги кичик инспектори

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги жамоаси бўлим бошлиғи Рустам Шариповга отаси

Ҳусниддин ШАРИПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди Ўзбекистон халқ шоири

Ҳусниддин ШАРИПОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Хонзода ҲАСАНОВА

ЁШЛИК МАВЖЛАРИ



Президентимиз раҳнамолигида мусиқа санъатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган замонавий мусиқа ва санъат мактаблари кўплаб ёш истеъодларнинг ижодий парвози учун пухта замин

сиқа ихлосмандлари, таниқли ижодкор ва мутахассислар қатнашди. Симфоник оркестр ҳамда жон уйғунлигидаги жонли ижро томошабинлар кўнглидан жой олди. Камолитдин Ўринбоев бадий раҳбарлиги ва дирижёрлигидаги жамоа мумтоз асарлар, машҳур ўзбек операларидан парчаларни катта маҳорат билан ижро этди. Айниқса, "Лола", "Ойдин кеча" сюиталари, жаҳон эстрадаси намуналарининг қойилмақом талқинларини тинглаган чет эллик меҳмонлар ўзбек ёшларининг маҳорати ва истеъдодига яна бир бор тан бердилар.

Ёшлар йиғма симфоник оркестрининг фаолияти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. 2014 йили истеъдодли ёш ижрочилар иштирокида ташкил этилган ушбу ижодий гуруҳ қисқа вақт ичида эътиборга лойиқ ютуқларни қўлга киритди. Оркестрнинг "Ёшлик баҳори" мавзусидаги илк концерт дастури кўплаб муҳлислар олқишига сазовор бўлди.

Шу йил баҳор ойларида "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида оркестр аъзолари ҳамда ва ёш опера ижрочилари иштирокида "Баҳор симфонияси" деб номланган жонли концерт дастури бўлиб ўтди. Унда юртимиз ҳамда хорижий му-

сиқа ихлосмандлари, таниқли ижодкор ва мутахассислар қатнашди. Симфоник оркестр ҳамда жон уйғунлигидаги жонли ижро томошабинлар кўнглидан жой олди. Камолитдин Ўринбоев бадий раҳбарлиги ва дирижёрлигидаги жамоа мумтоз асарлар, машҳур ўзбек операларидан парчаларни катта маҳорат билан ижро этди. Айниқса, "Лола", "Ойдин кеча" сюиталари, жаҳон эстрадаси намуналарининг қойилмақом талқинларини тинглаган чет эллик меҳмонлар ўзбек ёшларининг маҳорати ва истеъдодига яна бир бор тан бердилар.

Ёшлар йиғма симфоник оркестри жамоаси ҳозир пойтахтимиздаги оромбахш фавворалар кўйида, сўлим истироҳат боғларида концерт дастурларини намойиш этишмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриётган айни кунларда ёш истеъодлар жамоаси санъат ихлосмандларини янги ижодий тўхфалар билан хушнуд этишларига шубҳа йўқ.

Хонзода ҲАСАНОВА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилмиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РУЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа

ижодий уйи босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.16

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4361 Буюртма S — 3448. Ҳажми — 3 босма тобок А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КҮНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

